

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ  
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖАЛИЛОВ БАҲРОМ СОТИБОЛДИЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИНИ  
ЮКСАЛТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ВА  
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**08.00.06. – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in  
economic sciences**

**Жалилов Баҳром Сотиболдиевич**

Корхоналар ишлаб чиқариш потенциалини юксалтириш жараёнларининг  
эконометрик ва статистик таҳлили .....3

**Жалилов Баҳром Сотиболдиевич**

Эконометрический и статистический анализ процессов увеличения  
производственных мощностей предприятий .....27

**Jalilov Bahrom Sotiboldievich**

Econometric and statistical analysis of the processes of increasing the production  
capacity of enterprises .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....55

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ  
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖАЛИЛОВ БАҲРОМ СОТИБОЛДИЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИНИ  
ЮКСАЛТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ВА  
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**08.00.06. – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt 437 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бегалов Баҳодир Абдусаломович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Исаев Равшан Абдурахманович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон машинасозлик институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: [info@instat.uz](mailto:info@instat.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Ахборот-ресурс марказида (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди (2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.С.Гулямов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., академик

**К.Х.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.К.Ғойибназаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ҳар бир давлатнинг иқтисодиётида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон маҳсулотларининг тутган ўрни бекиёсдир. 2020 йилда жаҳон миқёсида бошоқли дон ишлаб чиқариш ҳажми 1 млрд. 472 млн. тоннани ташкил этди, бу кутилган прогноздан 6,8 млн. тоннага камдир. 2021 йилги прогнозга кўра дон маҳсулотлари захираси 866,4 миллион тоннани ташкил этади, бу эса ғалла захираларининг жаҳон истеъмолига нисбати 31,8 фоиздан 30,7 фоизгача камайиш мумкинлигини англатади<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда буғдой унини ишлаб чиқариш барқарор ўсиб бормоқда, бу табиий жараён дир, чунки етиштирилган доннинг асосий қисми қайта ишланади ва шу билан бирга, ушбу маҳсулотнинг жаҳон савдоси ҳажмидаги улуши босқичма-босқич қисқариши кузатилмоқда. 2020-2021 йилги мавсумда жаҳон савдоси ҳажми 12,5 млн. тоннага (4,8 млрд. долл.) қисқарди<sup>2</sup>. Бунга икки омил сабаб бўлди: биринчидан, ўтган йили мамлакатлар ўртасидаги баъзи логистика транспорт алоқалари амалда тўхташи, иккинчидан, дунё миқёсида иқлим ўзгариши. Уларнинг таъсири озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бир мунча қийинчиликларга олиб келди. Бунинг натижасида жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ўсиб бориши ва шунингдек, 2019 йилда бошланиб ҳамон давом этиб келаётган пандемия мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида корхоналарнинг ишлаб чиқариш тармоқларини истиқболли ва юқори технологияларга асосланган механизмларини такомиллаштиришда, ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш жараёнларини эконометрик моделлаштириш асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш мақсадида «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>3</sup> ишлаб чиқилди, ва бу асосида жамият тараққиётининг барча соҳаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида аниқ дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш тармоқлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг самарали ривожланиши мамлакатни истеъмол бозори, аҳолининг сифатли ва яроқли истеъмол товарлари билан таъминланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари иқтисодий кўрсаткичлари бўйича илмий тадқиқот ишларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари иқтисодий фаолиятининг эконометрик моделлаштириш ва ахборот технологияларини корхоналарнинг

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/> - ФАО маълумотлари.

<sup>2</sup> <https://latifundist.com/blog/read/2764-shef-vse-propalo-obzor-mukomolnogo-gynka-ukrainy>

<sup>3</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль.

молиявий-иқтисодий таҳлилларига қўллаш методологияси етарли даражада ўрганилмаган. Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мазкур илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3179-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги «Донни қайта ишловчи корхоналарни кўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 684-сонли, 2018 йил 13 сентябрдаги «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 731-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз, шунингдек, МДХ давлатлар ва хорижий мамлакатларнинг иқтисодиётга оид илмий адабиётларида корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Хусусан, А.Смит, Ж.М.Кейнс, Р.Лукас, М.Хироока, Ф.Хайек, Н.Калдор, М.Комби, Р.Солоу, М.Мескон, Х.Армстронг, А.Леша, Ж.Медсен, Х.Ричардсон, Дж.Тейлор, М.Тэмпла, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз<sup>4</sup> каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида моделлаштиришнинг назарий муаммолари тадқиқ этилган.

МДХ давлатларидаги олимлардан ишлаб чиқариш потенциали ва ишлаб чиқариш жараёнларини математик моделлаштириш бўйича Л.Д. Ревуцкий, П.И.Разиньков, Я.Н.Пащенко, Е.Е.Голышева, О.В.Власенко,

---

<sup>4</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42.1988; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. – Cheltenham, UK-Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006; Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming. 2008.; Хайек Ф. Ценыипроизводство. Челябинск: Социум. 2008; Mc. Combie J.S.L, Spreafico M.R.M. Caldor's «technical progress function» and Vendor's law revisited. Cambridge Journal of Economics. 2015. М. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедури. Основы менеджмента. ISBN: 978-5-8459-1060-8, 0-0604-4415-0; 2011 г.

О.В.Карсунцева, Е.В.Бережная, Л.И.Абалкин, В.А.Абчук, А.В.Бусыгин, В.А.Колемаев<sup>5</sup> каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мамлакатимизда корхоналар потенциалини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда эконометрик таҳлиллар олиб борган, ҳамда ушбу жараёнларни моделлаштириш йўналишларини С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Т.Ш.Шодиев, Б.А.Бегалов, Ё.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Н.Х.Хайдаров, Н.К.Аимбетов, Х.С.Мухитдинов, Б.Т.Салимов, З.Х.Тошматов, Н.М.Махмудов, Б.Атаниязов, Б.К.Ғойибназаров, И.Қ.Мирзаев, А.Т.Шермухамедов, Б.Т.Байхонов<sup>6</sup> каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин. Уларнинг илмий ишларида иқтисодиётнинг саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш объектларини илмий асосда моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Аммо, юқорида қайд этилган олимлар томонидан корхоналар ишлаб чиқариш потенциалини юксалтириш жараёнларининг эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ривожлантириш бўйича такомиллашган, илмий асосланган эконометрик

---

<sup>5</sup> Ревуцкий, Л.Д. Производственная мощность, продуктивность и экономическая активность предприятия. Оценка, управленческий учет и контроль. / Л.Д.Ревуцкий. - М.: Перспектива, 2002. - 240 с. Разиньков П.И. Производственный потенциал предприятия. Формирование и использование: Монография. – Тверь: ТГТУ, 2005. – С. 12. Пашенко Я.Н., Формирование системы мониторинга как инструмента повышения эффективности функционирования промышленного предприятия: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / Я.Н. Пашенко. - Краснодар, 2006. - 24 с. Гольшева, Е.Е. Производственный потенциал региона: проблемы оценки и развития: дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / Е.Е. Гольшева. - Иваново, 2006. - 177 с. Власенко, О.В. Интегральная оценка динамики экономического потенциала коммерческо-предпринимательской структуры и его использования: дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / О.В. Власенко. - Омск, 2006. - 190 с. Карсунцева, О.В. Оценка и формирование производственного потенциала промышленного предприятия как условие его конкурентоспособности: дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / О.В. Карсунцева. - Самара, 2007. - 183 с. Бережная Е.В., Бережной В.И. Математические методы и моделирования экономических систем. -М.: Ф и С, 2008. – 432 с. Колемаев В.А. Математические методы и модели исследования операция: учебник-Москва: Юнита-Дана, 2015-592 с. Л.И. Абалкин Логика экономического роста" М.: Институт экономики РАН. 2002 – 228. Абчук В.А. Менеджмент – Учебник. Издательство: «Союз» -2002. 463 с. А. В Бусыгин. Предпринимательство: Учебник. — М.: Бусыгин, 2003. — 614

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. / Под редакц. С.С. Гулямова. - Т.: Фан ва технология, 2007; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. док. экон. наук. -Т.-ТГЭУ, 1988-380с; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт. фан. док. дисс. –Т.: ТДИУ, 2000. –338 б, Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация иши. - Тошкент, 2001 - 330 б. Ё.Абдуллаев. «Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар» икт. фан. док. дис. – М.: МЭСИ, 1987 й; Р.Х.Алимов ва бошқ. Корхонларда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Ўқув кўлланма-Т.: «Fan va technology», 2014; 104 бет. Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона.-Т.: Ўқитувчи, 1995. -154 с; Н.Махмудов. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўқув кўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012 й; Атаниязов Б.Управления развитием экономико-экологических систем. -Т.: Фан, 1998. – 124 с.; Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари: и.ф.д. дис. авт. –Т.: ТДИУ, 2006. –26 б. Ғуломов С.С, Шермухамедов А.Т. «Иқтисодий информатика. Т.Ўзбекистон.2001й, 65-68 бетлар. Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қарақалпоғистон Республикаси мисолида): икт.фан.док. дисс. автореф. –Тошкент: ТДИУ, 2000. – 38 б. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимлашни эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш.: икт. фан. док. дисс. - Тошкент, 2018 - 230 б.

моделлар, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилининг алгоритмлари ва дастурий воситаларидан фойдаланиш, корхоналарнинг иқтисодий ривожланишининг оптимал моделларини яратиш учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мазкур илмий тадқиқот иши учун асос бўлди.

**Тадқиқот ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган ПЗ-20170928153 - «Корхоналарни инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади бўлиб,** дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш ва эконометрик моделлаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш ва назарий асосларини илмий тадқиқ этиш;

корхоналар фаолиятининг асосий йўналиш жиҳатлари ва ривожланиб бориш тенденциялари молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича таққослама таҳлил қилиш ва жараёнга мос моделлардан фойдаланган ҳолда амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

мавсумий жараёнларда корхоналар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини Фурье қаторлари ёрдамида таҳлил қилиш ва дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида омилларни эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқариш потенциалига таъсир этиш даражаларини аниқлаш;

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини оширишда дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш жараёнлари сифат кўрсаткичларини баҳолаш;

корхоналар ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш ва ривожлантиришни интенсивлаштириш асосида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятининг моделларини ишлаб чиқиш;

дон маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш;

дон маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарининг кўп омилли прогноз кўрсаткичлари асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган вилояти дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари танланган.



**Тадқиқотнинг предмети бўлиб,** дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятига йўналтирилган ва унга таъсир этувчи омилларни иқтисодий-статистик таҳлили, ҳамда уларни эконометрик моделлар ёрдамида ўрганиш ва баҳолаш кўрсаткичларини моделлаштириш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий–статистик таҳлил, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориш шароитида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ривожланиш жиҳатлари ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини тизимли моделлаштириш асосида ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини оширишнинг иқтисодий кўрсаткичлари гуруҳлар бўйича эконометрик моделлаштирилган ва улар асосида ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни олдини олиш, истеъмолчиларга маҳсулотни етказиб бериш ва сақлаш жараёнлари оптималлаштирилган;

мавсумий жараёнларга асосланган корхоналар ишлаб чиқариш потенциалини баҳолашнинг эконометрик моделлари негизида яратилган дастур асосида корхонанинг молиявий соҳасидаги иқтисодий инқироз ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш ҳамда молиявий тенденцияларни баҳолаш йўллари такомиллаштирилган;

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини юксалтиришнинг 2021-2025 йилларнинг кўп омилли прогноз кўрсаткичлари асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш потенциалини моделлаштириш асосида корхоналар ривожланиш стратегиясининг умумий жиҳатлари такомиллаштирилган;

қайта ишлаб чиқариш корхоналари учун мавсумий жараёнларда ишлаб чиқариш потенциалини Фурье қаторлари ёрдамида таҳлил қилиш усуллари такомиллаштирилган;

корхоналар ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш ва ривожлантиришни интенсивлаштириш асосида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини оптималлаштириш масалалари ишлаб чиқилган;

корхоналар ишлаб чиқариш потенциали таҳлилининг Фурье қаторлари асосида баҳолашнинг дастурий маҳсулотлари таклиф этилган ва жараёнларни ўрта муддатли прогнози натижалари асосида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқот жараёнларида қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ҳамда тадқиқот натижалари самарадорлигининг эконометрика ва статистика усуллари ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корхоналар фаолиятини ишлаб чиқилган эконометрик моделлар орқали таҳлил қилишда, прогнозлаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда, ундан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда, замонавий услубий ёндашувни қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар тармоқлар фаолияти ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви ва унда ўз мавқеига эга бўлиш стратегик мақсадларини аниқлаш ҳамда улар асосида истикболли дастурларни ишлаб чиқиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро даражаларда қиёсий таққослаш, статистик ахборотларнинг ишончилиги, тўлиқли даражаси ва истеъмолчилар талабларига мос келишини таъминлайди. Шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Иқтисодий-математик моделлар ва усуллар», «Статистика назарияси», «Корхона иқтисодиёти» ва «Эконометрика асослари» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориш шароитида, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ривожланиш жиҳатлари ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини қиёсий таҳлил ва эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги ташкилотлар амалиётга жорий қилинди (Ўздонмаҳсулот акциядорлик компаниясининг 2021 йил 16 июлдаги №12-1/15–40-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида қўшимча даромадни ўртача 4,3 фоизга оширишга эришилган;

дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини оширишнинг иқтисодий кўрсаткичлари гуруҳлар бўйича эконометрик моделлаштирилган ва улар асосида ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни, истеъмолчиларга маҳсулотни етказиб бериш, маҳсулотни сақлаш жараёнларини оптимал ташкил қилиш бўйича илмий таклифлар «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги ташкилотлар амалиётга жорий қилинди (Ўздонмаҳсулот акциядорлик компаниясининг 2021 йил 16 июлдаги №12-1/15–40-сонли маълумотномаси).

Бунинг натижасида вилоятда дон маҳсулотлари корхоналарида иқтисодий самарадорликни 1,4 фоизга оширишга эришилган;

Фурье қаторидан фойдаланиб мавсумий жараёнларга асосланган корхоналар ишлаб чиқариш потенциалини баҳолашнинг эконометрик моделлари негизида дастурий маҳсулот ишлаб чиқилиб, унинг ёрдамида корхонанинг молиявий соҳасидаги тенденциялар, иқтисодий инқироз ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ўздонмаҳсулот акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги ташкилотлар амалиётига жорий қилинди (Ўздонмаҳсулот акциядорлик компаниясининг 2021 йил 16 июлдаги №12-1/15–40-сонли маълумотномаси). Бу эса дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида давр харажатларини 3,7 фоизга камайтиришга олиб келган;

дон маҳсулотлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини юксалтиришнинг 2021-2025 йилларнинг кўп омилли прогноз кўрсаткичлари асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ўздонмаҳсулот акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги ташкилотлар амалиётига жорий қилинди (Ўздонмаҳсулот акциядорлик компаниясининг 2021 йил 16 июлдаги №12-1/15–40-сонли маълумотномаси). Бу эса ҳудудда 2021–2025 йилларда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиш босқичларида оптимал қарорлар қабул қилиш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда истиқболдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 17 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган маҳаллий журналларда, 4 таси хорижий журналларда ҳамда 9 таси халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари маърузалари тўпламларида нашр этилган ва 1 та шахсий компьютерлар учун яратилган дастурий маҳсулотни қайд қилиш гувоҳномаси олинган (26.06.2020 й. № DGU 08659).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхоналар ишлаб чиқариш потенциали кўрсаткичларини эконометрик моделлаштиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган **биринчи боб**да корхоналарнинг ишлаб чиқариш потенциалининг назарий-услубий асослари, иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхона ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш усуллари ва эконометрик моделлаштиришнинг услубий жиҳатлари ёритилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига узлуксиз тарзда сифатли маҳсулотлар етказиб бериш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Аммо, соҳада фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмаяпти.

Мамлакатимиз аҳолисининг барқарор суръатларда ўсиб бораётганлиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорт ҳажмининг йил сайин ортиб бориши ушбу йўналишдаги корхоналар иқтисодий потенциалидан тўлақонли фойдаланиш масалаларини чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

Рақобат шароитида корхоналарнинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан кенг фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш салоҳиятида алоҳида ўрин тутди. Корхонанинг саноат ишлаб чиқаришидаги ўрни, молиявий ҳолати, бозордаги рақобатбардошлиги ҳам юқоридаги кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган асосий воситаларнинг ҳар бир элементининг ўзига хос роли, уларнинг жисмоний ва маънавий эскиришининг ўзгариши, улардан фойдаланишга таъсир қилувчи омилларни аниқ тушуниш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Мамлакатимизда дон мустақиллигига эришилгандан кейин кўплаб ижобий ишлар амалга оширилиши, тупроқ унумдорлигини ошириш ва агротехника тадбирларига эътибор берилиши натижасида етиштирилаётган маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Таҳлилларимизга кўра республикаимиз дон маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2020 йилда 2005 йилга нисбатан 13,4 %га ортиб 7 млн. 567 минг тоннани ташкил этди. Таҳлил этилган сўнгги йилда буғдой маҳсулоти етиштириш 0,7 %га камайганлигини, арпа 25,1 %га, маккажўхори дон 69,3 %га ва шоли 30,9 %га ўсганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида дон маҳсулотларини етиштириш ҳолати<sup>7</sup>

Кўрсаткичлар	2005	2010	2015	2017	2018	2019	2020	2020 йилнинг 2005 йилга нисбатан ўзгариши, %
Жами етиштирилган дон маҳсулоти ҳажми (минг тонна)	6669	7406	7983	6997	6157	6962	7567	113,4
<i>шундан:</i>								
буғдой	6057	6745	6965	6079	5411	6093	6016	99,3
арпа	131	179	152	134	112	163	164	125,1
маккажўхори дон учун	264	232	440	389	413	421	447	169,3
шоли	217	250	426	395	221	315	284	130,9

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аҳолини экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида дон маҳсулотларини етиштириш ҳажми бир оз ортди. Натижада маҳаллий хом ашё асосида ички истеъмолни таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилди. Кейинги йилларда дон маҳсулотларини етиштиришда агросаноат соҳасини кластер тизимига ўтказиш орқали юқори ҳосилдорликка эришилди.

Корхона иқтисодий ривожланишининг мазмуни, энг аввало, янги даромад манбаларини излаб топиш ва уларни муттасил равишда ошириб бориш билан ифодаланadi. Хўжалик юритувчи субъект мол-мулкидан фойдаланишнинг пировард натижалари ундаги мавжуд бошқарув тизимининг тадбиркорлик қобилияти ва ишлаб чиқариш потенциалидан тўлақонли фойдаланиш билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, корхона бошқаруви олдида қуйидаги долзарб вазифаларни белгилайди:

а) миқдор ва сифат нуқтаи-назаридан зарур ва етарли миқдордаги ресурсларни жалб этиш йўли билан ишлаб чиқариш потенциалининг мақбул ўлчамларини шакллантириш;


б) корхонанинг стратегик мақсадлари доирасида ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш;

в) такрор ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш потенциални узлуксиз ривожланишини таъминлаш.

Такрор ишлаб чиқариш технологияларини қўллашнинг пировард натижаси корхона томонидан ишлаб чиқарилган моддий неъматлар, шунингдек ижобий молиявий натижа кўринишида намоён бўлади. Корхона томонидан танланган стратегияга мувофиқ ишлаб чиқариш потенциални такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ стратегик қарорларни уч хил даражага

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ажратиш ва таснифлаш ўринлидир. Ишлаб чиқариш потенциалини такрор ҳосил қилишнинг мазмуни кўплаб ресурслар ва ишлаб чиқариш технологияларидан энг мақбулини, аниқ ишлаб чиқариш вазиятига энг мувофиқ келувчилари танловини амалга ошириш ва уларни ўзаро боғлаш билан ифодаланади (1-расм).




**1-расм. Корхона ишлаб чиқариш потенциалини шакллантириш жараёни<sup>8</sup>**

Корхоналарда қарор қабул қилишда ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш, прогноз қилиш ва режалаштириш вазифалари ҳал қилинади. Ишлаб чиқариш функциялари бу каби муаммоларни ҳал қилиш воситаларидан биридир. Мураккаб аргумент ва ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари бўлган ҳолатларда таҳлил вазифалари ҳар бир кузатиш учун коэффицентларнинг қийматларини топишга ва уларни динамикада кўриб чиқишга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнларни назарда тутган ҳолда, фикримизча, ишлаб чиқариш потенциалини баҳолаш учун эконометрик моделлаштиришда, авваламбор, ишлаб чиқариш потенциали таркибига кирувчи омиллар тўпламини ҳамда унга тегишли бўлган ва айнан жараён ўзгаришига таъсир кўрсатадиган кўрсаткичларни тўлиқ аниқлаб олиш лозим.

Иккинчи расмда келтирилган корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини эконометрик баҳолаш услубиятининг модели уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда баҳолаш босқичига тайёргарлик учун омиллар, кўрсаткичлар базасини ва жараёнга мос математик аппаратни танлаб олиш кўзда тутилади. Иккинчи босқичда танланган омиллар устуворлиги ва натижавий омилга таъсир даражаси, кўрсаткичлар учун чегаравий қийматларни аниқлаш ҳамда танланган объект бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида ахборотлар йиғиш талаб этилади. Учинчи босқичда моделнинг ҳисоб-китоб босқичда танланган кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, ишлаб чиқариш потенциалини ташкил этувчилари бўйича берилган қийматларни аниқлаш ва уларнинг даражасини ҳисоблаш ҳамда берилган даража ва кўрсаткичларнинг аҳамиятига асосан ишлаб чиқариш потенциали баҳоланади.

<sup>8</sup> Карсунцева О.В. Формирование и реализация стратегии повышения уровня использования производственного потенциала предприятий машиностроения. Дисс.док.экон. Самара 2014 362 ст..

Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарининг муваффақиятли ишлаши ва ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори сифатли якуний натижаларини таъминлаш мақсадида янада самарали ишлаб чиқариш усуллари, бизнес юритишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали унинг фаолиятининг асосий параметрларини доимий равишда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.



**2-расм. Корхоналар ишлаб чиқариш потенциалини баҳолашнинг тизимли модели<sup>9</sup>**

Ишлаб чиқариш корхоналарида моделлаштириш бугунги кунда мураккаб тизимларни бошқариш учун масъул бўлган корхона бошқаруви учун мавжуд бўлган энг кучли воситалардан биридир. Корхоналарда ишлаб

<sup>9</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқариш жараёнларини моделлаштириш бўйича бошқарув қарорлари одатда қуйидаги ҳолатларда бўлади:

1) корхона фаолият доирасини кенгайтириш ҳисобига иқтисодий потенциалнинг сезиларли даражада ўсиши кузатилганда;

2) корхонанинг экстенсив ўсишининг ички захиралари етарли бўлмаганда;

3) ўзгаришлар ва ривожланишга бўлган эҳтиёжни бошқариш тўғрисида хабардорлик, шунингдек келажак ҳақида тасаввур мавжуд бўлмаганда.

Бундай шароитда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш ва ривожлантиришни интенсивлаштириш асосида дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий моделини ишлаб чиқишга зарурият ҳосил бўлади.

Диссертациянинг «**Дон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш потенциалининг эконометрик ва статистик тадқиқи**» деб номланган **иккинчи боб**ида корхоналар молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг статистик усуллари, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этишнинг эконометрик моделлари ва ишлаб чиқариш потенциалини юксалтириш хусусиятлари баён этилган.

Иқтисодий статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, озиқ-овқат корхоналарининг жуда кўп тармоғи мавсумий жараёнларга боғлиқ бўлиб, уларни ўрганишда мавсумийлик параметрларини ҳисоблашни талаб этади. Шунинг учун тадқиқотда мавсумий параметрларни ҳисоблаш учун гармоник таҳлил усулидан фойдаланилди.

Гармоник таҳлил усуллари Фурье қаторларига асосланган бўлиб, оддий анъанавий усулларни инкор этмайди, балки уларни ривожлантиришга ва объектив ўзгарувчан кўрсаткичларни бошқа кўрсаткичлар орқали статистик таҳлил қилишга ёрдам беради. Гармоник таҳлил усуллари ва ахборот технологияларидан миллий иқтисодиётни бошқаришдаги афзалликларидан бири шундаки, улар ёрдамида корхоналар иқтисодий кўрсаткичларининг ишлаб чиқариш жараёнига таъсирини, натижавий кўрсаткичга ресурсларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатиш имкони юзага келади.

Даврийлик атроф муҳитдаги иқтисодий, тиббий, географик, биологик жараёнларда табиий равишда мавжуддир. Иқтисодиётда даврий қаторларни таҳлил қилишда гармоник таҳлил қаторларини таҳлилдан фойдаланилади. Мавсумий жараёнларини таҳлил қилишда қуйидаги Фурье қаторидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга саналади.

$$f(x) = \bar{x} + \sum_{k=1}^N (a_k \cos kx + b_k \sin kx) \quad (1)$$

бу ерда:

$\bar{x}$  - ўрта кийматлар;

$a_k, b_k$  - Фурье қатори коэффициентлари.



Фурье қаторида  $k$ -кўрсаткичи гармониклар сонини белгилайди. Тебранишлар синусоида шаклида намоён, бўлиб уларни гармониклар дейилади<sup>10</sup>.

Фурье қаторлари бўйича мавсумий жараёнларни моделлаштиришда эконометрик моделлар бир нечта синусоидалар йиғиндисидан иборат бўлади.  $k=1$  бўлса, Фурье қаторини кўриниши қуйидагича бўлади:

$$f(x)=\bar{x}+a_1\cos x+b_1\sin x,$$

$k=2$  бўлганда,

$$f(x)=\bar{x}+a_1\cos x+b_1\sin x+a_2\cos 2x+b_2\sin 2x,$$

$k=3$  бўлганда,

$$f(x)=\bar{x}+a_1\cos x+b_1\sin x+a_2\cos 2x+b_2\sin 2x+a_3\cos 3x+b_3\sin 3x$$
(2)

Тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, мазкур корхоналардаги иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда учта гармоникдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>11</sup>.

Корхоналар иш фаолиятини аниқлашда гармоник таҳлил орқали корхонадаги ишлаб чиқариш потенциаллари, уларни ишлаб чиқаришга таъсир этиш даражасини ўрганиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишида корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнлари ва унга таъсир этувчи омиллар, уларни оптималлаштириш масалаларини кўриб чиқиш назарда тутилган бўлиб, жумладан, Наманган вилояти «Учқўрғон дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти корхонаси мисолида таҳлил этилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «Учқўрғон дон маҳсулотлари» акционерлик жамиятининг иқтисодий ҳолати

Йил	Амалдаги нархларда ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)	Ун ишлаб чиқариш (минг тонна)	Омухта ем (минг тонна)	Кепак (минг тонна)	Корхона соф фойдаси (млрд. сўм)
2012	49,8	61,5	38,9	19,1	0,14
2013	47,7	45,9	39,9	13,4	0,15
2014	58,1	52,5	35,2	15,8	0,20
2015	64,8	53,8	33,9	16,8	2,22
2016	72,2	51,7	39,4	16,6	0,29
2017	81,7	58,1	34,8	17,8	0,38
2018	110,6	59,1	31,6	18,1	3,50
2019	159,6	64,1	27,8	19,5	18,80
2020	192,5	65,0	30,9	19,8	19,11

Иккинчи жадвални таҳлил қилиш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

<sup>10</sup> Гофуров М., Холмуродов М., Хусанов К. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. –Т.: АГНИ, 2001. – 100 б.

<sup>11</sup> Холмуродов М.К., Жалилов Б.С. Математическое моделирование и прогнозирование предприятий пищевой промышленности. Вторая международная научная конференция «Математическое моделирование и дифференциальные уравнения». Часть I. Минск, 24-28-август 2009г.-Минск: Институт математики НАН Беларуси, 2009.-114с

$x_1^{(i)}$  - амалдаги нархларда ишлаб чиқариш ҳажми;

$x_2^{(i)}$  - ун ишлаб чиқариш ҳажми;

$x_3^{(i)}$  - омухта ем ишлаб чиқариш;

$x_4^{(i)}$  - кепак тайёрлаш;

$Y$  - корхонанинг соф фойдаси.

Юқоридагига 2-жадвал асосида гармоник таҳлил усуллари қўллаб ун ва омухта ем ишлаб чиқариш бўйича умумий ҳолда ўртачага нисбатан эконометрик моделларни ҳосил қилинган:

Ун ишлаб чиқариш ҳажми:

$$f(x_2) = 56,85 + 23,93 \sin \frac{\pi x}{6} - 19,06 \cos \frac{\pi x}{6} - 2,36 \sin \frac{\pi x}{3} + 16,94 \cos \frac{\pi x}{3} - 3,09 \sin \frac{\pi x}{2} + 17,02 \cos \frac{\pi x}{2} - 2,68 \sin \frac{2\pi x}{3} + 3,5 \cos \frac{2\pi x}{3};$$

Омухта ем ишлаб чиқариш:

$$f(x_3) = 34,71 - 70,79 \sin \frac{\pi x}{6} - 306,29 \cos \frac{\pi x}{6} + 38,8 \sin \frac{\pi x}{3} + 154,13 \cos \frac{\pi x}{3} - 17,97 \sin \frac{\pi x}{2} - 49,82 \cos \frac{\pi x}{2} - 1,44 \sin \frac{2\pi x}{3} + 5,66 \cos \frac{2\pi x}{3};$$

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ишлаб чиқариш даражасидан юқори бўлсагина иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади. Самарадорликка эришиш мамлакатнинг тараққий этишига, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжининг қондирилишига, ишсизлик даражасининг камайишига, аҳоли фаровонлигининг ортиши ва меҳнат шароитининг яхшиланишига асос бўлади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини эконометрик таҳлил орқали корхонадаги ишлаб чиқариш потенциали, уни ишлаб чиқаришга таъсир этиш даражасини ўрганилган. Ушбу тадқиқотда корхоналар соф фойдасига таъсир этувчи омилларни энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган. Жараён учун мос бўлган математик модель кўриниши қуйидагича ифода этилади:

$$\ln Y = a_0 + a_1 \ln x_1^{(i)} + a_2 \ln x_2^{(i)} + a_3 \ln x_3^{(i)} + a_4 \ln x_4^{(i)} \quad (3)$$

Математик статистиканинг энг кичик квадратлар усулига асосан  $a_0, a_1, a_2, a_3, a_4$  параметрларни шундай қийматлари топиладики, натижада

$$\varphi(a_0, a_1, a_2, a_3, a_4) = \sum_{i=1}^n \left( Y_i - \left( a_0 + a_1 \ln x_1^{(i)} + a_2 \ln x_2^{(i)} + a_3 \ln x_3^{(i)} + a_4 \ln x_4^{(i)} \right) \right)^2 \quad (4)$$

функция энг кичик қийматга эришади. Бу масалани ечимини қуйидаги тенгламалар системасини ечимларини топишга келтирилади:

$$\begin{cases} \frac{\partial \varphi(a_0, a_1, a_2, a_3, a_4)}{\partial a_0} = 0 \\ \frac{\partial \varphi(a_0, a_1, a_2, a_3, a_4)}{\partial a_1} = 0 \end{cases} \quad i = \overline{1, 4} \quad (5)$$

бу ерда  $\frac{\partial \varphi(a_0, a_1, a_2, a_3, a_4)}{\partial a_1}$  -  $a_0, a_1, a_2, a_3, a_4$  - параметрлар бўйича хусусий

ҳосилалар. Хусусан, корхоналар соф фойдасига таъсир этувчи иқтисодий омиллар ва уларни баҳолаш усуллари ҳосил қиламиз. Нормал тенгламалар системасини коэффицентларини ҳисоблаб, сўнгра тенгламалар системаси ечилса, корхоналар соф фойдаси қуйидаги модель билан аниқланади:

$$\ln Y = 58,4 * \ln x_1 + 47,6 * \ln x_2 + 11,11 * \ln x_3 - 19,135 * \ln x_4 - 242,253 \quad (6)$$

Дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларидан амалдаги нархда маҳсулот қийматини 3-жадвал бўйича таҳлили натижаларига кўра 2010-2020 йиллар мобайнидаги учта корхонанинг кўрсаткичлари эконометрик таҳлил қилинган.

### 3-жадвал

#### Наманган вилоят дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий ҳолати<sup>12</sup>

Амалдаги нархда маҳсулот қиймати (млрд. сўм)									
Йил-лар	Наманган дон			Учқурғон дон			Поп дон		
	Ҳақиқий қиймат	Модель қиймати	фарқ	Ҳақиқий қиймат	Модель қиймати	фарқ	Ҳақиқий қиймат	Модель қиймати	фарқ
2010	26,21	26,17	0,04	39,3	38,3	1	2,89	2,83	0,06
2011	30,93	31,05	-0,12	45,8	49,08	-3,28	14,42	14,68	-0,26
2012	35,71	35,94	-0,23	49,8	42,68	7,12	19,77	19,35	0,42
2013	39,17	37,75	1,42	47,7	54,23	-6,53	21,56	21,61	-0,05
2014	34,02	36,98	-2,96	58,1	56,98	1,12	23,14	23,19	-0,05
2015	38,57	36,69	1,88	64,8	62,22	2,58	24,04	24,56	-0,52
2016	39,02	40,86	-1,84	72,2	70,01	2,19	27,64	26,03	1,61
2017	49,93	52,47	-2,54	81,7	81,51	0,19	26,79	28,44	-1,65
2018	67,22	71,04	-3,82	110,6	102,51	8,09	33,01	33,12	-0,11
2019	82,51	89,74	-7,23	159,6	148,36	11,3	39,37	41,39	-2,02
2020	96,13	102,04	-5,91	192,5	183,17	9,33	42,51	43,38	-0,87

Олиб борилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра иқтисодий кўрсаткичларни ҳақиқий қийматлари ва модель қийматлари фарқлари таҳлили Наманган ва Поп дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлардаги фарқлар деярли манфий қийматларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу корхонада ишлаб чиқариш

<sup>12</sup> Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланаган.

потенциали самарадорлигининг пастлигини, корхона тўла қувват билан ишламаётганлигини ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш лозимлигини билдиради.

Учинчи жадвал маълумотларига кўра, Наманган дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасида 2010, 2013 ва 2015 йилларда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми аниқланган қуйидаги эконометрик модель қийматидан мос равишда 0,04 млрд. сўм, 1,42 млрд. сўм ва 1,88 млрд. сўмга ошганлигини кўриш мумкин. Бундай ижобий натижага корхонада келтирилган давр мобайнида хом-ашё билан ўз вақтида таъминланганлиги ва корхонанинг тўлиқ қувват билан ишлаш имкониятига эга бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Қолган кузатилаётган даврлар учун корхона фаолиятида салбий натижалар кузатилишини асосий сабаблари ҳозирги кунда корхонада ишлатилаётган асбоб-ускуналарни эскирганлиги, хом-ашёни етишмаслиги ва модернизациялашмаганлик оқибатида маҳсулот сифатининг рақобатбардош эмаслиги деб қараш мумкин. Моделлар таҳлили шуни кўрсатадики, Наманган вилоятидаги донни қайта ишлаш корхоналари орасида Учқўрғон дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасининг ишлаб чиқариш салоҳияти юқорилигини кўриш мумкин. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг янада юксалтириш учун замон талаблари асосидаги янги асбоб-ускуналар сотиб олишга, корхоналарни техник ва технологик жараёнларини модернизация қилишни тақозо этади.



**3-расм. Дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг амалдаги нархда маҳсулот қийматининг ўзгариш динамикаси<sup>13</sup>**

Корхонанинг потенциалини баҳолашга ёндашувнинг яна бир ижобий хусусияти, айнан уни амалга ошириш жараёнида асосан корхона маҳсулотининг амалдаги нарх қийматининг шаклланиши ва ўзгаришидаги жиҳатларнинг акс этишидadir. Ҳозирги рақобат даврида корхонанинг ишлаб

<sup>13</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқариш потенциалини аниқлашга самарали ва оқилона ёндашувни амалга оширишда асосий кўрсаткич сифатида маҳсулотнинг амалдаги нарх қийматининг ўзгаришини таҳлил қилиш ҳисобланади. Бундай таҳлилни амалга оширишда корхона ишлаб чиқариш воситаларининг амортизациясини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам корхонанинг ишлаб чиқариш воситаларини замонавий кам энергия сарф қиладиган, юқори самарадорлик билан ишлайдиган технологиялар билан жиҳозлаш лозим.

